Баҳт ва баҳорнинг доно күйчиси, улуғ устозимиз Ошиқ Аёз – Ибройим Юсупов ҳақиқатан ҳам беназир шоир эди. Устоз ўзининг илк шеърий тўпламини бежиз “Баҳт лирикаси” (1955) деб атамаган. Чунки ўша дамларда заҳматкаш ҳалқимизнинг ёруғ кунларга бўлган умидлари куртак ёза бошлаган эди. Баҳтга бўлган интилиш қоқақлопкинг уч улуғ күйчиси – Кунхўжа, Ажиниёз, Бердак лирикасининг қаймоги эди. Бу анъанани шоирнинг замондош устозлари Аббоз Добилов, Содик Нуримбетовлар изчил давом этираётган эдилар. Ошиқ Аёз улардан ибрат олиб, кўйлаб ҳалқичил шеърлар ёэди. Замонавий қоқақлопкоз поэзиясида ёрқин саҳифа очган “Кунчиқар йўловчишига” (1959) тўплами бугча тўла далил бўла олади. 1960 йили шоир шеърларидан бир қанчаси ўзбек тилига таржима килиниб, “Булоқлар қайнайди” номи билан нозик дидли ўқирманларга етиб борди. 1962 йили таржималар янада тўлдирилиб, “Олтин қирғон” номи билан нашр этилди. Бу китобларни ўқиган академик Фафур Гулом навқирон икодкорни қизгин қутлаб:

– Кўнгилда сен тараннум этган жойларни кўриши истаги пайдо бўлди! – деган экан. Шоир улуғ устозни Нукусга таклиф қилиб, аэропортда оксоқол адиллар Содик Нуримбетов, Жўлмираз Оймираевлар билан бирга кутиб олади. Миллый анъаналарга кўра мехмон килади. Аэропортда кузатётганида академик шоир шу ердаги китоб дўйонидан X.Низэй кулиятини харид қилиб:

– Сенга Ҳамза китобини тортиқ қиласай, Мен – Фафурмен, сен – Ибраїм! деб дастхат ёзиб беради. Самонётларга қарағ:

– Булар узок-узокларга уча олади. Бироқ сенинг китобларинг улардан ҳам олисларга парвозд қипсан! – деб дуо беради.

Академик шоир ҳақ экан: шоир шеърлари “Меридаини сердца” номи билан рус, “Талақ кыялдары” номи билан қирғиз, “Эрик-пер гулленде” номи билан туркман китоб-



хонларига тортиқ қилинди. Асрлари бошқа қитъаларда ҳам босилди. Шоир А.Навоий, А.Пушкин, У.Шекспир, Т.Шевченко, Абай, А.Тўқай асрларини ўз она тилига маҳорат билан таржима қилиди.

Шоир шеърлари ҳалқ тили ва ҳалқ дили билан бир:

*Кийиклар сув ичар сойдан,  
Ғоз, ўрдак кўйдан сув ичар.  
Одамнинг-чи, кўнгли қайдан,  
Кўнгил кўйнайдан сув ичар...*

Ха, “Кўнгил кўнгилдан сув ичар” (1971) тўплами шоир ижодида янги бекат бўлди. “Беклitingни бузма сен” (1995), “Ҳаёт,

сенга ошиқман” (1999), “Ҳар кимнинг ўз замони бор” (2004) шеърий тўпламлари, “Сахро орзулари” (1966), “Тўмарис” (1974) достонлари, “Умрек лакки” (1966), “Мангу булок” (1986) драмалари (китоблари ва асрларининг бир қисмнингина санаб ўтдик) ҳақида ҳам шундай дея оламиз. Улар хозирги замон қоқақлопкоз адабиётининг олтин ҳазинасидан ўрин опди. Ўзбек тилида чол этиланг “Сахро орзулари” (1967), “Чўл тўргай” (1972) “Рахмат, сенга замоним” (1979), “Қоратол” (1988) китоблари миллионлаб шеър муҳлислари меҳрини қозонди.

Кўп йиллар давомидек атоқли шоир билан бир китобхон, навқирон замондош мақомида мулоқот қилиб келдид. Унинг яқин дўстларини танидик. Ибройим оға ўнлаб ҳамкаслари билан бирорада эди. Аммо у замонамизнинг энг забардаст сўз заргарларидан Қайсин Кулиев, Мустай Карим, Довуд Кўгултинов, Расул Ҳамзатов, Чингиз Айтматов билан узоқ йиллар ижодий давра тузди. Бу даврада вақти-вақти билан Қолтой Муҳаммаджонов, Михайл Дудин, Шукрулло, Суюнбай Эралев, Одил Ёкубов, Алим Кешков, Эркин Воҳидов, Улжас Сулаймонов, Абдулла Орипов ҳам иштирок этарди. Ибройим оға орқали улуғ Расул Ҳамзатов билан танишдик. Шу боис яқинда ўзбек ва рус тилларида “Догистон дошина манди. Дағестанский мудрец” китобини чиқардик. Уларнинг дўстлиги метиндан ҳам мустаҳкам эди.

Энг яқин дўсти Расул Ҳамзатов оламдан ўтганида дунё кўзларига тор бўлиб қолди:

*Қазқазнинг энг баланд чўққалари ҳам  
Пасайиб қолгандек бугун қарасан.  
Патиматтисиз қолган бу ёлғончини  
Энди сен ҳам ташлаб кетиб борасан...*

Улар қирқ йил мобайнида орадан қил ўтмас дўст бўлишид. Улар Ошиқ Аёзинг ўз ибораси билан айтсак, “инсоният ор-номусининг жарчилари” эдилар. Ибройим устоз бутун вужуди билан ижодга берилди. Биринчи қоқақлопкоз балетига либретто бўтди. Энг муҳими ўзбекистонга ўнг кўплини узатган, бу бирдамлиқдан баҳту иқбол топган Қоқақлопгистон мадхияси матнини ёзи, ҳали қалбига ҳамоҳанг сўзлардан маржондек терди:

*Жайхун жағасидан ўсган бойтерак,  
Тути бир, шоҳлари минг бўлур демак.  
Сен шундай сояли, куёшли элсан,  
Тинчлик ва иқбол сендаги тилак...*

Марказий Осиёning энг иқтидорли бастакорларидан бири. Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Нажиматдин Муҳамметдиновнинг мафтункор мусикиси мадхияга узукка кўйилган зумрад қошдек ярашди. Шоир ижоди ҳақида академиклардан М.Нурмуҳаммадов, М.Кўшчонов, Ж.Бозорбоев, таникли мунаққид. Ўзбекистон Қаҳрамони И.Фафуров, фан докторлари ва номзодларидан С.Аҳмедов, К.Курамбоев, С.Баҳодирова, К.Алламбергенов, Т.Мамбетинёзов, З.Бекбергеновда бошқалар мағзи тўқ мақолалар ёздилар. Биз ўзбек тилида “Менинг йигит вақтим, сенинг қиз қиз вақтинг”, “Сахро сўфитурғай” номли иккى китобини чоп этирдик. Устозга ҳаётлиги чоғида берган ваъдамизининг устидан чиқдик.

*Умр қиска, мансиз узоқ,  
Ипплар биздан кетар ироқ.  
Мангу қўшиқ каби янегор,  
Эсар Жайхун шамоллари...*

Ибройим оға оламдан ўтганида унинг тобути тепасида тенгноди, яна бир улуғ устозимиз Тўлепберген Қашибергенов “Жон дўстимдан айрildim” деб фарёд чекди. Бу иккى улуг санъаткори энг аввало ҳақлуп орасидаги бирорадарни мустаҳкамловчи олтин кўприй бўйдилар. Бунинг акри ҳам бор экан: иккокининг ҳам асрлари Янги Ўзбекистонда чоп этилган “Туркӣ адабиётлар дурданалари” антологигига алоҳида жилдлар сифатида кирди. Бугунги жаҳон адабиётда уларнинг ўз ёрқин саҳифалари борлигига шак-шубҳа йўқ. Туғишганлик тўйғуси, юрга эҳтиром, инсонга меҳр Ошиқ Аёз – Ибройим Юсупов ижодининг қаймоги эди:

*Эр қўёши очгандир юз,  
Баҳтимизни қилиб кўз-кўз,  
Ичи кудаён яласин туз,  
Умримиздир буғи бўстон,  
Соф бўл, онам ўзбекистон!*

**Янгибой Қўчқоров,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ҳодими

## ҚАЛБИМ ЖАЙХУН БИЛАН ҲАМНАФАС

**МЕНИНГ ЙИГИТ ВАҚТИМ,  
СЕНИНГ ҚИЗ ВАҚТИНГ**

Б...га

Тошду десам, дарҳол тушади эсга,  
Менинг йигит вақтим, сенинг қиз вақтинг.  
Тўри самолётдан тушдим-да, кечда  
Ётк жойингизнинг эшигин қодим.

Нукусда эканда сен мени кунда,  
Ҳатто соат сайин соғинар эдин.  
Бу гал сен кўрдигуни мени Тошкента,  
Маъюс мийк тортиб “сенимисан”, дединг.

Гулшанда очилган бир тоза гулдай,  
Чиройнинг чарой кўшган экансан.  
Қувончмии қай тарз айтишин билмай,  
Ютиниб, термулиб бокар эдим ман.

Кетдик кўл ушлашиб кўчани бўйлаб,  
Унисиз келаяпмиз. Эснаб қўясан.  
“Жоним, айтгил, келапсан не ўйлаб?  
Эрта учрашамиз қаерда, қаҷон!”

“Эрта кўлим тегмас... Имтихоним бор...”,  
Дединг ўйнаб йўғон бураминг билан.  
Навоий театри ҳалқ билан бисёр,  
Сен киргач у буткул яшинаш кетди шаън.

Зар кўйлак чўғ сочиб ёнар устингда,  
Сен айтдинг “Аф эт, тобим йўқ”, дединг.  
Ва мармар зиндан эгчил тушдингда,  
Кетдинг... Мен сен учун бегона эдим.

Сўнгги “Казбек”имни тулатиб олиб,  
Узоқ тентириадан анҳор бўйиди.  
Мажнунот шоҳларин сувларга солиб,  
Сенинг сочларингни солар ўйимга...

Тошду десам, ҳамон тушади эсга,  
Менинг йигит вақтим, сенинг қиз вақтинг...  
Сенга қайтиб озор бермасга,  
Бел боғлаб, жонимни ўтларга ёқдим.

Очи деразалар имларди “кел” деб,  
Боглар дерди “қайғу чекма, йигитим”.  
Юракни тирнарди “Тановар” йиғлаб,  
Шамоллар изғирди ҳазонни титиб...

Энди мен Тошкента боргандадоим,  
Сенга кўринмасга тиришар эдим.  
Бир кун дуч келдик, ногоҳ мулойим,  
“Ростдан бу сенимисан, сенимисан”, дединг.

Айни сахар чоғда очилган гулдек,  
Қиз бўлиб журъатга тўлган экансан.  
Хинд қўлига тушган асанрди филдек,  
Унисиз етагингда кетавердим ман.

Товудай товланган ўзбек қизлари,  
Дўстлик эҳтиромин кўрсатиб шу он  
Эски дўстларимдек кулиши барни,  
Ёзди олдимга талабалик дастурхон.

### ҚОҚАҚЛПОҚНИ КЎП МАҚТАМА КЎЗИМЧА

Бир ҳалқ кўрдим, юраги  
ковургасдан кўринар.

Михайл Луқонин

Қоқақлопқуни кўп мақтама кўзимча,  
Қармоққа тез тушадиган балиқман.

Бу кишини кўзга мактадан кўра,  
Яхшиси сўқ, топиб нафли нуқсонин.  
“Қоқақлопк юхши ҳалқ-да!” дегандан,  
Бобом ечиб бериб кетган чакмонин.

Ёлғиз отин сўйиб бериб кўноқка,  
Яёв қолиб бу эл талай бўлган зор.  
Шуни айтгил агар яна мақтасанг,  
Муруватлар қилиб ташлар устувор.

Беклиги кўп жўшиб кетса бу миллат,  
Достонларни тўкир гўё матодан.  
Барча ҳалқни қоқақлопқудан чиқазиб,  
Ўз тарихин бошлар Одам Атодан!

Мехнат деса енг шимарган полвондай,  
Аравада тօғ келтири де, келтириар.  
Дўстлик деса, ўлдуз топиб олгандай,  
Оқ кўрганинг эзгуликка тўлдириш.

Ёмон кўраса, “сени ёмон кўрдим!” деб,  
То ўзингга айтмагунча тинмайди.  
Бир пул топса, “мана, мен бой бўлдим” деб,  
Барин юмшаб кайтмагунча тинмайди.

Шумлик кўйла сир олдирап боладай,  
Кўнгилчанлик, бўшлигига куянан.  
Лекин унинг поени йўқ далаладай,  
Азamatlik кенг феълини суюман.

Тойин мақтаб, отин минсанг синамас,  
Мен бу элнинг хуш хулқига бергум тан.  
Менинг қалбим Жайхун билан ҳамнафас,  
Сал нарсага жушадиган ҳалқман.

Яхши сўз жон озиғидир, нақл бор,  
Хушомадга ҳар ким ҳавас ўзича.  
Шундайм, бир ўтичим бор, одамлар:  
Қоқақлопқуни кўп мақтаман кўзимча.

### НАВОИЙГА

Сен армонсан чўлга битган бор бўлиб,  
Сояли, мевали бир дарахт бўлиб,  
Замонлар довули чайқаган сайин  
Жамолинг кулғурган зарварақ бўлиб.

### МАХТУМҚУЛИГА

Эл ҳосил молига бозор тополмай,  
Чўлда кўчган карвонимис, несан сен?  
Кўкрада ғам бўлиб, сиртга чиқолмай,  
Ичда кетган армонимисан, несан сен?

Селлар қутурмас Атракда сойда,  
“Кут қочди” деб қорез қочар ул жойдан.  
Чопилмаган килич, мардга зор майдон,  
Сурилмаган давронимисан, несан сен?


Яшмоқ тишлаб, гулёкалар тоқиниб,  
Оқ юзинга кора рўмол ёплиб,  
Айриликдан багри ўтда ёқилиб,  
Ийғлаб кетган жононимисан, несан сен?

Заргариз зармисан, бөғбонсиз бўстон,  
Қаламисиз юркаш битилган достон,  
Чўлда Гариф Шоҳсамага қовушган,  
Гўзал кўшки айвонимисан, несан сен?



## БЕДОР ЎЙ

Кейингин йилларда матбуот ва ижтимоий тармоқларда сериалларнинг сависи хусусида кўп ва хўб ёзилди. Улар бир жойга жамланса, катта сериалларга сценарий бўлгүлек, бўй барабар битиклар хосил бўлса ажаб эмас. Аммо аксарият танқидлар амалий таклифлардан холи бўлганни вожиданинг ёки уларда вазмин тафаккурдан кўра эҳтиросу хаяжоннинг тоши оғирроқ келгани сабаби, ишқилиб, жабҳада ўзгариш рўй бериши, "муз кўчиши" кийин кечайтириш.

ВИЖДОН –  
БИРЛАМЧИ!

Миллий сериалчилик ҳақида айrim муроҳазалар

33-ҚИСМ  
КÝНГИЛ КÝЧАЛАРИ

Бугун миллий сериалчиликни ривожлантириш масаласи яна кун тартибига қайди. "Чин сўз – мўътабар, яхши сўз – мухтасар", дейди ҳазрат Алишер Навоий. Аммо миллат маънавияти ва маърифатида тақдирламал аҳамият касб этган ушбу мавзу дўлтни бир четга кўйиб, батафсилоқ муроҳаза юритишни тақозо этади.

Дунёда сериал шунчаки эрман, томоша, вактни ўтказиш воситаси эмас, балки кучу мағфуравий куролга айланган. Медиа олами шунчалик қудратга эга бўлиб боряптики, бирор бир медиамахсулотнинг оммалашуви, етти икимгина тарқалиши учун соҳида кўз очиб юмгунчалик фурсат кифоя қўлмокда. Айниска, ижтимоий тармоқларда бошқаларнинг видеоси фонида фойдаланувчига ўз лавҳасини тайёлралашга имконият берувчи алгоритм сон-саноқизиз видеомахсулотларнинг пайдо бўлишига олиб келяпти. Медиа орқали дунё ахлиниң юрак уришига қадар назорат қилиш, замонавий тилда айтганда, трендлар орқали омма онгини манипуляция этиш мумкин бўлиб қолди. Яшин тезлизигида, худди вирудид тарқалдиган "челепенх"ларга ёшлар тугул, катта авлоднинг ҳам кўзи ўрганди. Дунё ахли қиска видеолар – вайнларга муккасидан кетган бўлса-да, сериаллар ҳам оммабол, уларга қизиқиз сусайтини йўқ.

"Ўзгаришлар шамоли эсганда нодон кимса девор куради, оқил инсон эса тегирмон барпо этади", дейди хитойликлар. Биз ҳам ўзгаришлар шамолидан оқилона фойдаланомогимиз лозим.

Бизнинг жамиятда ҳам сериалларга бўлган талаб асло камайгани йўқ. Ҳар бир оиласда эрталабки ёки кечки таом вактида сериал томоша қилиш одат тусига кирган. Гарчи смартфонлар навқирон, авлодни телевизордан узоқлаштираётган бўлса-да, сериаллар ҳам оммабол, шундай сийраклашгани йўқ.

Афсуски, мана шундай шароитда миллий сериалларимизнинг сависи мағтагули эмас. Мухтарим Президентимиз Маънавият ва маврифат кенгашининг ўтган йил декабрь ойida бўлиб ўтган кенгайтирилган йигилишида бу борада ўз хавотирларини билдириди. Давлатимиз раҳбари миллий сериалларни ишлаб чиқариш бўйича мавжуд тизимини тубдан исполх этиш, бу йўналишда ижодкорларимизни қўллаб-куватлаш каби чоралар миллий сериалларимизни ғоявий-бадиий ва техник жиҳатдан жозибали, ҳамма қизиқиб қўрадиган даражага етказишига кўмак беришини қайд этди. Шу мақсадда Миллий сериаллар ишлаб чиқариш концепциясини яратиш зарурлиги таъкидланди.

Сериаллар сифати борасидаги муроҳазалардан хабардор соҳа мутахассислари бу ҳақда кўпдан бўён бонг уриб келади. Мен ҳам бир муддат ушбу соҳада ишлаганим боис уларнинг дар-

каби тарихий мавзудаги сериаллар тилга тушди. Шундан сўнг эфиорларимизда турк сериаллари пайдо бўлди. Булар ҳам дастлаб анчайлан миший мавзудаги картиналар эди. "Кашифлар макони" эса мислсиз даражада катта қизиши билан кўриди. Якн-яқинча ҳам хусусий телеканалларда асосан турк сериаллари намониш этиларди. Аммо интернетнинг кенг қулоч ёзганни боис сўнгига йилларда намошиш этилаётган сериалларнинг њеҳ бири аввалиларидек оммалашгани йўқ. Чунки киномаҳсулот кўп, кўраман мардумга платформа ҳам, сериал ҳам бисёр.

Бундан ўн-ўн беш йил олдин сериал учун асосий платформа телевидение ҳисобланарди. Бугун эса бўнинг учун алоҳидаги платформалар яратилган. Биргина "YouTube" тармогига юзлаб ўзбек сериаллари жойланган. Кейинги вактларда веб-серииллар оммалашшиб бораётгани ҳам борадаги тенденцияларнинг ўзгараётганидан

моҳирона ўзлаштиришга муваффақ бўлди. Даставвал, ўзларининг мумтоз асарлари, машҳур хорижий сериалларни қайта тиклашди. Бунда маълум бир қонун-коидаларга риоя этилади, албатта. Масалан, асл воқелик сериалнинг ўтларида таниб бўлмайдиган даражада ўзгарили.

Биз ҳамма муммонинг сабабио ечими пулда бед биламиш. Ваҳоланки, маънавият ва маданият соҳасида, энг аввало, виждон биринчи ўринда турмоги даркор. Негаки, виждонни одамгина ҳалқ маънавияти, миллатнинг эртанги келажаги учун кайгуради. Режиссёр Жаҳонғир Қосимовнинг "Дев ва пакана" фильмида раҳматли Обид Асомов Польвонга қаратади: "Булар дунёни пул билан ўлчайди, сомса билан ўлчайди", деб ташна қиласди. Албатта, тадбиркор зоти фойдани кўзлайди. Кино соҳасига пул тикидиган сармоядорлар ҳам бирини ўн, ўнини юз қўлмокни ўйлаши табиий. Савдони чақон қиласиган асосий омил

мурокурс миший мавзуларга қаратилиди. Мавзулар ҳам якранг. Мен бир томошабин сифати ҳарбийлар, шифокорлар, ишлаб чиқариш вакиллари, фермерлар, ўқитувчилар ҳаётидан нақл қуловчи қизиқарли сериаллар кўргим келади. Шунга кўра, мавзу ва йўналишлар бўйича рейтинг мезонини ишлаб чиқирик керак, деб ҳисобайлан. Рейтингни белгилашда шифокорлар ҳақидаги сериални 100 минг одам кўрганини севги-муҳаббат ҳақидаги сериал 800 минг марта томоша қилинганига тенг деб ҳисобланса маъқул бўлади, назаримда. Яъни, кўрмиллик борасида бадиийлик, мавзу ва фойни инобати олиниши адолатдан бўлади. Бадиий кенгашпарнинг фаолият олиб боргани фойдали, аммо кенгаш аъзоларининг мавзусига тақдирларни олди. Їамоатчилик асосида ишлаш, аъзоларни масъул идоралардан белгилаш, арзимаган чойчакка эзвазига төғдай масъулитнинг Бадиий кенгаш зиммасига юклаш каби амалиёт ўзини оламайти. Бу борода ҳам аниқ тизим ишлаб чиқириб баробарида сериаллар мавзусини кенгашлараро мувофиқлаштириш ҳам керак бўлади.

Бир пайлар "Кўнгил кўчалари", "Шайтанат" каби сериалларимиз халқимиз томонидан суйиб томошабин силинган. Кейинчалик эфиорга берилган "Қайтар дунъ", "Туташ тақдирлар", "Ола-сингиллар", "Ҳаёт жилғалари", "Мехмонжонлардан айланай" сериаллари ҳам бадиий савия, мазмун ва фой жиҳатидан анча бамаъни эди. Бугун эса иккни томчи сувдай бир-бираига ўшаша, мавзуси ва фояси бўш, реал ҳаётдан узоқ, ўзма-зўркни саҳналарга бой сериаллар кўпайтини кишини ўлантарири.

Биринчидан, миллий сериаллар учун етарли бюджет ва мавзулар ранг-бараганиги масаласини ҳал қилиш лозим. Чунки томошабин сериалларни сюжетдан ташшари ўндаги мужда – "мессеж"ларни ўзи билмаган ҳолда онгостида сақлаб олади. Бунда ўса соҳасининг мутахассиси бўлган ижодкорлар жамоасини йиғиш ва уларни бадистар шарт-шароит билан таъминлаш зарур. Эски нақла мувофиқ, чумчук сўйса ҳам қассоб сўйгани, сценарийларни ёзишга профессионал ёзуви ва драматурглар жалб этилган маъқул.

Иккинчидан, макола аввалида таъкидлаганимидек, халқимиз менталитетига ўйун, юқас бадиий савия ва мазмунга эга хорижий сериалларни саралаш керак. Чунки айни пайтада телеканалларнинг эфир вактни миллий сериаллар билан тўлдириши имконсиз. Хорижий сериалларни эфирга бериш орқали эса томошабинга сифатли контент тұхфа этиши вазифаси бирмунча осонлашади.

Учинчидан, сериалчиликка истеъодли ёшпарни жалб қилиш, жумладан, веб-серииллар ишлашга кенгроқ имконият яратиш лозим. Бу орқали интернет платформаларни ҳам сифатли миллий контент билан бойитиш мумкин.



дарақ беради. Бугун 15-20 дакига мўлжаллапнинг 10 қисм атрофида ишланадиган веб-серииллар бутун дунёда энг харидоригир ва томошабоп бўлиб туриди. Ўзбекистонда ҳам веб-серииллар ишланяпти, аммо уларнинг аксари ҳозирча ҳаваскорлик дарақасида. Бу формат кинога анча яқин бўлгани, ижодкорлар учун тасвирга олиш нисбатан камхаржоқ экани, томошабоп бўлиб туриди. Чунки жанга талабига кўра, сериалнинг асосини вазифаси барбири томошабиннинг вактини унумли ўтказиши, унинг кўнглини чиг этиши, мазмунли истироҳат тұхфа қилишдан иборатиди.

Сериал кўриш – халқимизнинг севимли машгулларидан. Ўзбекистонда дастлаб ўтган асрнинг 90-йилларида Лотин Америкаси сериаллари "импорт" қилина бошлаган. Ўша йиллари телевидение орқали эфирга узатилган "Морена Клара" мамлакатимизда энг оммалашган дастлаби сериаллардан бири бўлди. Кейинчалик "Эсмеральда", "Гадедупе" кўпчиликнинг хәленинг "үғирлади". Мексика сериаллари хамиша дунё бўйича юкори рейтингда турган. Тегирмон нафави билан деганларидек, кейинчалик кореис сериаллари ўзбек телеканалларини забди. Дастлаб замонавий, ишқ-муҳаббат можалорига бағишиланган "Кыш сонатаси", "Қалбим чечаги", "Ёз ифори", "Куз эртаги" каби киномаҳсулотлар намойиш қилинган бўлса, кейин "Сарой жавоҳири", "Денгиз ҳукмдори", "Жумонг" йирик "импорти"ларига айланган.

Туркияда сериалнинг бир кисмими суратга олиш учун ўртача 200 минг доллар сарфланаркан. Либослар, гардоз-андоз, декорация бинон-идек. Асосий актёrlар ўзишига ёндашади, бир неча ой давомидан ролга роҳи ҳозирлик кўради, чин дилдан, чукур изтироб ва теран масъулияти билан ўйнайди. Сиз уларга ишонасиз ва ҳамдардлик туясиш. Воеаларнинг кандай ривожланбиг боршини олдиндан тағъиятлашга ҳаркет қиласиз. Сценарий мулалифлари, режиссёrlар ва операторлар чет элга саёҳат қилиш, Фарб мутахассислари тақрибасини ўрганиш учун маблагни ҳам, вактини ҳам ағамайди. Шу боис Туркия гарчи тўлиқ метражни кинематографияда улкан мувоффакият қозони олмаган бўлса-да, сериалчилик борасида дунёда ўз ўринини топа билди.

Дейлик, Россияда юкори сифатга эга бўлган сериаллар одатда 8-16 қисмдан иборат бўлади, 300-350 қисмларни Пушкин ватанинда айтлар қизиқиши ўйғотмайди. Туркияда эса унай эмас: турк томошабини 15 қисмли сериалларни хушламас экан. Юнус Эмро юртида 40-60 қисмли сериалларнинг бозори чакрон экани барча Шарҳ халқларига хос "Мир бир кечга" каби узун саргузашларга ўчлик билан изохланса, ажаб эмас.

Турк киноижодкорлари адаптацияни ҳам

рейтинг. Асл мақсад манфаат бўлгани вожидан рейтинг ортидан қувиши, оммага хуш келаётган фози иенгил мавзулар атрофида ўралаши ҳолати кўп учрайти.

Аслида, маънавият ва маданият махсулларини рейтингда қараб саралаш макбул иш эмас. Мукояса учун футбол ва шахматни олайлик. Иккалasi ҳам спорт тури. Аммо контингент йиғиш борасида шахмат футболга тенг келадими? Ҳолбук, шахмат милият тафаккури дарақасини кўрсатди-ку. Рейтинг, пул ва жамиятнинг келажаги... Хуш, қай бирини танлаш керак? Ҳамма нарсани рейтингга тақаъвериб, миллатнинг келажини бой бериб қўймаймизми?

Шу ўринда иккни оғиз изоҳ, Муроҳазаларимиз рейтингни суудидан буткул воз кечини маъносиди талкин этилмасин. Масалан, хорижий сериалларни танлашда шунгина мавзуси, аудиториянинг



қизиқишини ҳисобга олган ҳолда, болаларбон, оилавий, тарихий, тарбиявий каби ҳар бир ўйналиш бўйича алоҳида рейтинг тизими жорий этилиши зарур.

Соҳа мутахассисларининг фиғони фалакка чиқиши бекиз эмас. Улар билан субхатлашсангиз, миллий сериаллар борасида аник айбордир йўқ деган тўхтамага келасиз. Чунки хамма айни бир-бираига тўхтайди. Аммо миллий сериаллар концепциясини тузиш масаласига давлат раҳбари дарақасида эътибор қараштаги вазиятини топа билди.

Сир эмас, аксар сериалларимизда асосий



## ТАРИХ ВА ТАҚДИР



Мулла Бекжон Раҳмон XX аср бошларидаги Ҳоразмда маданият ва маърифатга оид кўпгина асарларни түплаб, нашр қилиши билан бирга, бу йўналишида тадқиқот ишларини ҳам олиб борди. У 1887 йили Ҳивада маърифатни оиласда таваллуд топган. Отаси Раҳмонберган маҳрам Ҳива хонлигига бош вазир лавозимида ишлаган тараққийтарвар, ислоҳотчи давлат арабоби Исломхўжанинг иш юритувчиси бўлиб, шахарда касалхона, почта, телеграф, қатор мадрасалар ва минораларни барпо этишда бош-қўш бўлган. Бекжон ёшлигидан имл-маърифатга иштиёқ руҳида улғайб, мактаб ва мадрасаларда таҳсил олади. Отаси Исломхўжа ёрдамида ўғлини Истанбул семинариясига ўқишига юборди. Мулла Бекжон 1913-1918 йилларда Туркиядан диний ва дунёвий билимларни пухта эгаллади. Айнан ўша кезларда у Исмоил Ғаспали бошчилигидаги ёш туркпар ҳаракати билан яқиндан танишади. Натижада Ҳивага қайтач, ёш ҳиваликлар ҳаракати сафига кўшилиб, маърифатпарварлик ғояларини тарғиб қила бошлайди.

1920 йили Ҳива хонлиги ўрнида ташкил қилинган Ҳоразм Ҳалқ Республикасининг I курултойида Мулла Бекжон маҳрифи нозари этиб сайланади. Шу билан бирга, маданият нозари сифатида ҳам фаолият юритади. У Карим Қори Ниёзий билан биргалицида собиқ хон саройида етим болалар уйини очиб, ўқитувчи ва тарбиячиларни жалб қиласди. Шаҳаринги оқтабори ойда Мулла Бекжон тафтиш нозари лавозимига тайинланади. У Ҳоразм Ҳалқ Республикаси марказий ижроия қўмитасининг иш бошқарувчиси, ҳукумат аъзоси сифатида ҳам ўзининг ташкилотчилик қобилиятини намоён қиласди. Ҳусусан, Бухоро ва Ҳоразм Республикалари ўртасида иқтисодий-маданий ҳамкорлик шартномасининг тузилишидан фаол иштирок этади. 1920-1924 йилларда Ҳоразм Ҳалқ Республикасининг Москвадаги муҳтор вакилини вазифасини ҳам бажаради.

Асли мутахассислиги адабиётшунос ҳисобланган Мулла Бекжоннинг илмий-ижодий таржимиҳо ҳоли ҳақида жуда кам мъалумот сақланиб қолган. Таникли олим Наим Каримов кептирган мәълумотларга кўра, ҳоразмлик шоир, кейинчалик қатагон этилган Курбон Берегин ўтган асрнинг 20-йилларида Ҳоразмда юз берган воқеалар, жумладан, Мулла Бекжон Раҳмон ўғли каби зиёлилар ҳаёти акс этирилган 15 босма табоқ ҳажмли тарихий асар битган. Афсуски, у қамоққа олинган, мазкур асари ҳам

# ХИВАЛИК ЖАДИД МУЛЛА БЕКЖОН



ёкиб юборилган. Баъзи маълумотларга кўра, Бекжон Раҳмон ўғли Абдурауф Фитратнинг яқин маслаҳдоши бўлган. Адабиётшунос олим, профессор, X. Болтабоевнинг таъқидлашича, Фитратнинг Бухоро амирлигининг ўша пайтадаги тузум ва ҳаёти танқидий ёритилган "Бекжон" (1916) пьесаси айнан Бекжон Раҳмон ўғлига бағишланган экан. Аммо бу асар ҳам бизгача етиб келмаган.

Мулла Бекжон ўзининг қиска умри давомида салмоқли ишларни амалга ошириди. У маданият ва маърифат соҳасига оид киммалти маълумотларни тўплаш ва ўрганиш орқали адабиёт, мусиқа, педагогика, тилшунослик, тарих фанларига оид "Оталар сўзи", "Ҳалқ адабиёти", "Ҳоразм мусиқий тарихчаси", "Катталар алифобosi", "Ўқиш китоби", "Лотин ёзуви", "Ўзбек орфографияси ҳақида очерклар", "Ҳоразм тарихи очерклари", "Шеълар юғурми" каби асарларни яратди.

Шунингдек, Ҳоразмда дунё юзини кўрган дастлабки газета – "Инклилоб қуёши"нинг биринчи масъуль мухаррири сифатида ҳам қизигин фаолиятни кўрсатиди. У ўша даврда "Қизил Ҳоразм", "Ҳоразм хабарлари", "Маориф", "Ёшлилар овози", "Ишчилар товуши", "Ёрдам", "Копкон" каби газеталарнинг пайдо бўлишида ҳам муҳим роль ўйнади. Айниқса Ҳивада қофоз фабрикаси барпо этилишида ҳам муносиб ҳизматлари бор. Таникли шарқшунос А. Самойлович билан ҳамкорликда кўплаб фольклор ва ёзма адабиёт натурунларини рус тилига таржима килиб, Санкт-Петербург шаҳрида чоп этишга муваффақ бўлди.

Мулла Бекжоннинг миллий маданияти миз олдиаги яна бир улкан хизмати шундаки, у Ҳива хонлиги тутагилгач, Тошховли биносида талон-торок этилиш хавфи остида қолган кўплаб маданий боилкларни тўплаб, давлат музейини ташкил қилди ва ўзи унга раҳбарлик қиласди.

Мулла Бекжон мусиқашунослик илмидан ҳам яхши боҳабар эди. У 1922 йили Ҳивада илк мусиқа мактабини ташкил қилиб, Матюсуф Харрватов каби бир қатор таникли санъаткорларни ишга тақлиф қиласди. Албатта, у фақатгина мактабни очиш билан максадга ёришиб бўлмаслигини яхши англаган. Шу боис ушбу мактаб ўқувчилари учун дарслик ва ўқув кўлланмаларини ёзиша киришади. Унинг Муҳаммад Юсуф Девонзода билан ҳаммуаллифлика ёзилган ва 1925 йили Москвада чоп этилган "Ҳоразм мусиқий тарихчаси" китоби ўзбек мусиқашунослигига алоҳида ўрин тутади.

Таассуфи, ушбу мактаб турли баҳоналар туфайли икки йилдан сунг тутагилди. 1927 йили Самарқандда мусиқа хореография институти очилгач, Матюсуф Харрватов ўша ерга ишга тақлиф қилинди. Унинг тавсиясига асосан собиқ Ҳива мусиқа мактабининг ўқувчилари Раҳмон Оллаберганов, Шариф Рамазонов, Шариф Солаев мазкур институтда ўқишини давом этиришади. Бу созандалар кейинчалик Тошкент давлат консерваториясида ҳам сиртдан таълим олиб, республиканизмнинг турли ҳудудларида самарали фаолият кўrsatiшган.

Шубҳасиз, бундай тараққийтарвар инсонларнинг милий давлат тузиш,

халқнинг азалий қадриятларини асрабавайлаш ва ривожлантириш, маҳаллий ёшларга дунёвий билимларни ўрганиши ва диний маърифатни асрабавайлаш билан боғлиқ ғояларни Шўролар мағкурасига зид ҳисобланади эди. Шу боис унинг ҳам ҳаёти фоҳиши тугади. Атоқи маърифатпарвар Мулла Бекжон 1929 йили Амударёда сузуб кетаётган кемада қизил чекистлар томонидан отиб ўлдирилди.

Атоқи маърифатпарвар Заки Валидий Тўғон ўзининг "Хотиралар" китобидаги "Мулла Бекжон Ҳивада замонавий маданиятини ривожлантириш учун катта фидойилик кўрсатиди. Агар Русян халақит бермаганин, улар ёш Ҳива ҳуқуматига катта ҳизмат килган бўлур эдилар", деб ёзади.

Собиқ тузум даврида Мулла Бекжоннинг ҳам фаолиятига салбий баҳо берилиб келинди. Шу давр мадрифий тарихига бағишилган тадқиқотларда у буржуза миллиатчилиги гоёсина илгари сурган шахс сифатида тилга олинди. Мустақиллик шарофати билан юртимизда Мулла Бекжоннинг ҳам фаолиятига холоси баҳо берилиб, илмий-мадрифий мероси атрофичча ўрганилмоқда. Лекин афсуски, бу инсон ҳақида тўлиқ маълумот берувчи манбалар ҳалигача топилгани ўйк. Келгуси тадқиқотлар натижасида бу борада ҳам янги фактлар аниқланиб, юртошларимиз ҳивалик таникли маърифат фойдойиниң ибрати ҳаёти ва фаолиятидан чуқуррок боҳабар бўлишига ишонамиз.

**Ботир МАТЯҚУБОВ,**  
санъатшунослик фанлари номзоди.

## ТАБДИЛ



ЖУЛҚУНБОЙ

## НИМА ҚАЁКҚА КЕТАДИР?



Ишчининг топқани ҳўжайнинг нинг халтасига кетади.

Совдагарнинг топқани ўғул тўйисига кетади.

Тошканд қўнчиларининг топқани қишилик тўкма билан ёэлиқ гапка кетади.

Қиморбознинг топқани гаргак билан тўртта ошиқка кетади.

Беданабознинг топқани тарикга кетади.

Муриднинг топқани эшонға кетади.

Эшоннинг топқани саккизга хотунга кетади.

Хотунларнинг топқанлари иссик-совуқчи домлага кетади.

Бойбачанинг топқани "Турквино"<sup>1</sup> билан баринша-хонларга кетади.

Ёшларнинг топқанлари

қистонликларнинг тумшүғига кетади.

Ушбуларни ўқуған кишининг дами-дамбалиға<sup>2</sup> кетади!

Бизнинг топқанимиз ач-чиқ-тизиқа кетади! – деб, Мулла Жулқунбой ёздилар.

"Муштум": ёзганларинизизнинг ҳаммаси ҳам ҳаёга кетадир! – деб биз ҳам муҳри-мизни босдик.

"Муштум" журнали,  
1923 йил, 3-сон.

<sup>1</sup> "Турквино" – ўша пайтда "Турквино" номли Туркистон давлат трести бошқармаси турли хил вино чиумтиклари чиқарган.

<sup>2</sup> Вақф шўйбаси – вақф ерлар инқилобдан сунъа маориф интихёбера берилди, даромади мактаб ва маориф эҳтиёжларига сарфланган.

<sup>3</sup> Дамбал – иштон.

## ХОТИРА АЗИЗ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Ёдгоров Усмон – 1903 йили Қўқон шаҳрида туғилган. Ихтимой келиб чиқишини яширгани учун партиядан учирилган. "Миллий иттиҳод" аксилини-лобий ташкилоти раҳбарияти билан алоқада бўлган. Ҳибса олинган пайтда "Сталин йўли" газетаси таҳририда тобоби қиласди. Совет ҳокимиятига қарши душманлик муносабатида бўлиб, аксилини-лобий гурӯҳ йигинларидаги иштирок этгани, маглуби-ятчилик мазмунидаги шеърларни тарқатгани, ҳалқ душманларини мақтагани учун ЎзССР Жиноят кодексининг 66-модда 1-банди, 67-моддаси билан 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

## ҚАТАГОН ҚУРБОНЛАРИ

Зокирий Мажид – 1897 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. "Миллий иттиҳод" аксилини-лобий ташкилотининг фаол аъзоси сифатида, "Ўн саккизлар гурухи" да қатнашгани учун 1934 йили ВКП(б) сафидан чиқарилган. Қамоққа олинган пайтда Ургут райони маориф бўлими бошлиғи бўлган. Аксилини-лобий тарбиботи олиб борганлиқда, троцкизмчиларнинг отилишига ҳамдардлик билдирилганда айбланиб, шахсий мулклари мусодара қилинди, ЎзССР НКВД Самарқанд бўлнимининг 1256-сонли айблов иши бўйича отувга ҳукм килинган.

Бобоевон Истро菲尔 – 1884 йили Тожикистон ССР Панхикенд шаҳрида туғилган. ЎзССР Ички Ишлар Халқ комиссарлиги Самарқанд бўлнимининг 5764-сонли иши бўйича айбор деб топилган. Со-биқ қулоқ, "Иттиҳоди Шарқ" аксилини-лобий ташкилотининг ҳамдардлик билдирилганда айбланиб, шахсий мулклари мусодара қилинди, ЎзССР НКВД Самарқанд бўлнимининг 1256-сонли айблов иши бўйича отувга ҳукм килинган.

Рахмонкулов Ҳазратқул – 1889 йили Жомбай райони Жомбай қишлоғида туғилган. Аксилини-лобий "Миллий иттиҳод" ташкилотиши, раҳбари Уринхўяевнинг яқин дўстти бўлган. ЎзССР ИИХК Самарқанд бўлнимининг 1417-сонли иши бўйича айблangan. Миллатчилик тарбиботи олиб борганлиқда, миллий адвокати кучида айбланиб, 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган.

Мұхаммедов Мұхторхон – 1899 йили Қўқон шаҳрида туғилган. "Миллий иттиҳод" ташкилотиши, раҳбари Уринхўяевнинг яқин дўстти бўлган. Миллатчилик тарбиботи олиб борганлиқда, миллатчилик тарбиботини айбланиб, ЎзССР ИИХК Қўқон шаҳар бўлнимининг 241/1747-сонли иши бўйича ҳисоблаштирилган.

Мұхаммадиев Гафуржон – 1886 йили Андикон шаҳрида туғилган. Қўқон шаҳар волост бошқарувчиси, "Миллий иттиҳод" ташкилоти аъзоси. 1930 йили аксилини-лобий фаолияти учун 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Ҳибса олинган пайтда Районлараро ҳимоячилар коллегияси аъзоси бўлган. Мұхтор ҳуқумати көнгилдикорларни айбланиб, талабалар жамияти" номли аксилини-лобий жамияти ташкилотиши ва раҳбари бағланилганда айбланиб, ЎзССР ИИХК Қўқон шаҳар бўлнимининг 241/1747-сонли иши бўйича ҳисоблаштирилган.

Акрамхонов Гуломхон – 1887 йили Наманган шаҳрида туғилган. "Миллий иттиҳод" аксилини-лобий ташкилоти аъзоси. 1918 йили босмачиллик фаолияти учун 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган ва ВКП(б)дан учирилган. Унга аҳоли орасида доимий рашида мұллатчилик тарбиботини олиб борган, партия ва ҳуқумат раҳбарларини обурсызлантирган, руслар з



## ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

Мана, Узбекистоннинг бугунги ёш футболчилари мамлакат тарихида биринчи марта жаҳон ареналарида ўйнай олишини исботладилар! Балки, олдинги ўйинчилар буларга ҳавас қиласетгандир. Ёки “Биз ҳам ёмон ўйнамасдик, буларга насиб этди-да”, дейишиларкин? Худди шундай! Буларга насиб этди, улоқ ёшларда кетди.

Очиғи, мен доим ёш авлодни кузатиб келаман. Албатта, тадқиқ қилиш дарақасида эмас, шунчаки ҳозирги ёшларнинг фикрлашига қизиқсанам. Яқин-яқинларгача диккатимни тортганлари деярли бўлмаган. Фақат бизнес ё бошқа соҳаларни айтмаяпман, ижтимоий соҳаларни назарда тутияпман.

Онгизиз моддийлашган бозор мезонларига мослашган бўлса керак. Негаки, мустақилликнинг илк даврида ёт 70-80 йилларда тутилган авлод бозор, кўча-бизнес, пул билан танглайтиклиди. Яхшиям мустақилликдан кейин тутилганлар даврида медиа ривокланди ва улар технологияларнинг, кейинроқ тутилган авлод эса билимнинг қадрига ета бошлади.

Пойтахтдан кўчиб, 2000 йилдан бўён бошча шахарда ишлай бошлар эканиман, мутолаага янада қаттироқ берилдим. Ўша пайтлар бир самарқандик домла Москвадан олиб келган америкалик муаллиф Ренди Гейжнинг китобини ҳарислик билан ўқиб чиқдим, деярли ҳаммасини дафтаришга кўчириб олдим. Мен учун янги гаплар эди...

Н.Козловнинг “Философские сказки” китобини интернетдан юклаб олиб, қайта-қайта ўқидим. Бу китоблар фикрлашимни ўзgartираради.

Биласизми, биз шарқона анъянавий тафаккур тарзидан советча фикрлашга ўтган ва шундай котиб қолган авлод эканим. Шунча яшаб, фан номзоди бўлиб ҳам-а? Ҳа!

Софи Лореннинг китобидаги “Работа – отдых” деган иборани анча пайтгача шундай бўлиши мумкинми, деб ҳазм қиломай юрганман. Ахир, биз бир умр қийналиб, қизбўзид орзуларига етасим деган ўйни меъёр деб билардик.

Ренди Гейжнинг китобида ёзилган қоидлар-чи? “Ҳеч нарса ўймаган, бериб юборинг, янгисини олинг, аллантириш қерак. Ҳамма нарсани, хатто энергияни янгисига алмаштиравериш қерак, моделлар, фасонлар, мода ўзгарди...” Йўғ-э, қанакасига, олган мулкимини-я? Улай деб олган компютерни янгилаш... “Бойларга яра берилвареди, камбагалдан бори ҳам тортиб олинади...” Нахотки, қани адодат? Ҳа, жаноблар, биз капиталистик тизимга кириб келямиз. Тұрванғизни ўйнитиришинг!

Шунга кўра онг, фикр ҳам ўзгариши қерак. Истасак-истасаси... Биз ўша пайтлар худди феодал асрлардаги каби каноник деб билардик санъатни, адабиётни... Николай Козлов Москвага гастролга келган Хитой балеринапари балетини томоша қилиб ўтиардикан, санъат савиасининг юксаклиги бир ёқда қолиб, ўзгача фикрлагани-чи? “Балериналар роса маза қилишиб-ю, уч соат бир жойда ўтириб менинг “кетим” оғриб кетди”, эмиш. Советлар пойтахти Москвада юз минглаб ададда босилиб чиқкан китобда шунақа ёзилса-я...

Ҳа, пойтахтдаги руслар “советча шинел”ларни тезроқ улоқтириши. “Инсон ўзи учун яшаш вақти кепди!” дейиши. Яна ни-


## ЗАРДА

Ҳай, қаласан, Ландавур? “Jadid”-ни ўқуб турубсанму? Тунов кун де, Матқовулнинг таъхонасида бирори айтди, сани суратнинг газетнинг орка саҳифасинда уруб чиқибди, деди. Капалагим учиб кетубур! Жулкунъи замонасидан маълумдорки, газетнинг орка саҳифасинда суратнинг чиқса, расво бўлдим деявер! Ё, валлоҳу альам! Бир кун ўтти, иккни кун ўтти... бир ҳафта ҳам ўтти... манга ҳеч ким ҳарса демади, кутублиб қолдим! Мушумиг ҳам оғтобшувида ётубдур, бирор “пишт” деб айтмагон! Ва ёқим эмди газета урадурум, порталга соладурму – парвойи фалакмикан? Үндоқчанинг бўлса, ҳар куни қийшайган суратим урилса ҳам на парвойим бор, Шукур мўйловнинг бир отим носвойичалик манга кайф бермайдур!

Ҳай, эмди хотиранг фаромуш айланмаган бўлса, маним баромогим босилган хат бирла газетда уриб чиқилғон талай танқид қилинғонлар ўзларини ё газет ўкуғонидан ва ёқим ўкумагонидан ўйқотиб қўймоқдалар. Яъниким, хусусий телеканаллардаги рекломнинг уриб чиқдими? Уриб чиқдук! Сермаллар деганинг ҳам пўстаганинни қоқдуми? Қокдум! Мани нервимни ўйнайди, кайфимни чиқаротурғон нарса шули, валломатлар яна ўша ҳоли васасинда давом қиласадир, парво этмайдур! Ва ёқим маним сўзумнинг кучини новсойимнинг қайфи кесдумикан ва ёқим аларнинг териси кўнгир айқунинни терисидек қалинлашиб кетдумикан ва ёқим бошқа бирон сабаби бордурмикан?

Ҳай, ўтган замон машойхларидан бирори: “кўшумгим қўшум, тамогим тешук

# Улар рост сўзлашига интилмоқда



мамиш, “энди ўйни безаб ичига кириб ўтириб олиш ўйк, ўйни қалбга кўчириб чет элларда яхши ҳаёт ва валюта излаш учун кетиш қерак”.

Аммо 2000 йиллардаги анча ёник мамлакатимизда ҳали бил уз курмоқ ва эскича яшамоқ билан овора эдик. Менинг ичимда эса ғаләнлар... Шунга кўра талабаларга айтардим: “Ҳаётингиз кодларини ўзгаришинг, доира ичидан айланниб қолмани, ётоқхона – ўқиш, ётоқхона – ўқиш... эртага эса – ўй – иш, ўй – иш. Ҳаётингизни спираль тарзига ўтказинг. Юксалинг, ҳаётингиз кейинги айланасида навбатдаги улкан максадларга эришинг, доимо ўзгарини... Агар бирортаңгиз ўзини ўзгаришига олса, хатто бир киши бўлсаем, мен домлалик бурчини бажарган бўлардим. Ҳар куни ўзгариш, гурунларни тўхтатинг, шу менга керакми, денг. Керакли китобни, курсни, хунарни танланг. Келинглар, ўзгарилик...

Талабаларидан бирни шундай деб қолди: “Ўйлаб кўрсам, кунларим бир хил ўткаркан, дарсдан келамиш, қизлар билан гурун, гибайт қиламиш, айланамиш, шу... Ҳар кун шундай, синов, назоратларни амаллаб топширамиз, туманга уйга бориб қеламиш ва яна ўша ахвол. Мен сўзларнингдан таъсирларниб, ўзимни ўзгаришига ғоғландим. Гурунг-ҳантомаларни ўйнитирдим, курсларга ёзилдим, бадиий китоблар ўқий бошладим. Қатъий режа туздим. Қизларнинг, ҳо, ўзгариш зўру, деганига парво қиммасдим. Аммо ўн кун бўйлай янги тартибдан қатъиқ чарчадим. Бироз ўзимни буш кўйишга қарор қилдим. Суҳбатларига қўшилай десам,

қизиқмас, кераксиз гап-сўзлар эканини, мен энди мутлако аввалгилик яшай олмаслигимни ангаддим”. Кейинчалик ўша собиқ талабамни кўриб қолдим. Илмий иши чең билан боғлиқ экан. Оқ ўйл, азизам!

Ўзим ҳам ўзгаришига ҳаракат қипардим. Доимо худди Тошкентдагилардан орқада қолиб кетгандек, тинмай ўқирдим. Ва бариир қайтаман деб ният қипардим. Китоб жавонимни “Машқатлар билан юлдузлар сари” деб ёзиб кўйгандим. “Нега машқат билан?” – эскича фикрлаши! Яхши ҳаёта севиб ишлаш билан, де. Қаҷон ўзгарасан, эй Шарқ?

Аммо бариб иносин ўзлигини англости ке-рак! Агар ўзимиз ўзлигини англассак, миллат ўзлигини англайди, миллат ўзлик англансак, мустақилларни метиндец бўлади, 10-15 йилдан сўнг бу англиниш вужудимизга сингиб, томиримизда қон бўлиб оқа бошлайди, деб маъзуса ўқирдим у пайтлар...

Бўлмади... бир неча уринишдан сўнг қайтадим пойтахтга – ойламни иккни бўлиб (дастлаб), ёш болаларим билан сурдариб, дегандай! Аммо янги ҳаёта ишонч кучли эди. У ёқда адабиётмас, тарих ва бошқа ижтимоий фанларни дарс беравериди анча “ўтгандим”. Ўзимча. Аммо яна ҳаммасини “нол”дан бошлаши, янги курган ўйнимни “қалбга жойлаб” “спиралнинг кейинни айтласани”га ўтиши...

Тошкентта келсам, мен излаган Тошкент ўй. Файз кетган. Мен ишлаб йиғлаб хайрлабиши кетган ўзР ФАШИ раҳбарни ўзгартган, қайта ислоҳ арафасида... У ердаги улуғ устоzlар “у

ёқа” кетишган, бу дунёдагилари эса... Ҳамма танишлар тириқчилик деб 2-3 жойда ишлаб чопган... Қанақа “ўзликинг англаш”, қанақа “тафаккүринг янгилаш”... Ит эгасини танимайди гўё... Қани адабий давралар, илмий сухбатлар? “Вакт йўқ-да”.

“Ўзликинг бекатлари” шеърий китобимни чоп этирдим, кейинроқ “Тан юрти”ни. Шу...

Уринардим, олий даргоҳда адабиётдан эмас, ижтимоий фанлардан дарс берганим, баҳонада янги билимларни ўзлаштирганим (дипломга ҳам ўқиб олгандим) фойда бериб, илмим оила юртиш, бола тарбиясида катта ёрдам қиласади. Яқин-яқинларгача психологияларнинг чиқишиларни русча “видик”ларда кўрардим. Аммо жамият ўзгартарган, бироқ юқалмаган, шарафга интилмасди. Аммо... Истаб интилганим, Ватанни, қора кўз талабаларимни ташлаб бир илмий мухитта кира олмадим. Хўш, хатом нимада эди?

Мен, синглимнинг сўзича “китобга кириб кетиб” ҳаётин, одамларни билмаган эканиман. Ва ҳақиқатдан шундай эди. Жамиятнинг хатоси-чи? Қалба мустақил ватан тушучаси сингди, аммо ватан...

Ёшларга келсан... Бир куни қарасам, “ойнада – нур”. Ҳозирги ўшлар янгича фикрлаяти. Дастлаб...

Ҳа, давр ўзгарди, ўшлар бор билимларни янгича математик моделларга солиб қайта ўзлаштирияти, янгича баҳолашяти. Бу – табиии ахир, деб ўйлардим. Йўқ, уларни етарлича баҳоламасдим. Кейининг пайтда руслардан ўрганганим, чең ёшлари фикрига хос “са-мооценка”, “саморазвитие”, “эмодионал-рухий тарбия”, “психологик ёрдам” кабилалар якин беш-ўн йиллардан бери ўзбек ёш ўйигит-қизлари ҳаётига кириб келиб анча ўғсан, ижтимоий тармоқларнинг воситаилини эса катта эди.

Ва нуқул “мафкурани бошига куйиш керак” деган қолип иш бермай, ўшларнинг ўзи тип ўрганинг ўйли билан, айримларни чең элларда ўқиши каби омиллар илмии баркамол ўшларни ўлғайтири. Эътироф этиш керак – бунда хусусий ўкув марказларининг роли катта!!!

Барбир замондан орқада қолдим. Агар Самарқанддаги мен қадрига етмаган олий даргоҳда ишлайверганимда, балки бу қадар ўқисимасмидим.

Аммо интернет орқали ўз-ўзини ривожлантираётган ўшларнинг кўнгилларимизга умид учунларни олиб киради. Улар нафақат тарихни олами қайта ўрганишмасда, чукурроқ ўйлаб қаралганда, эскича авлод кўттармаган масалаларни ўртага ташламоқда, очиқ ва рост сўзлашига интилмоқда.

Менинг азиз тенгошларим, биз яна озиганадан кейин ааанча орқада қолиб кетишмиз мумкин. Мамлакатимиз ахли дунёкараса масаласида турли тоифаларда, афусуки. Дунёкараса ва ғоялар ични атом каби қалтисдир. Ҳозирги тушунчамиз бор пайтда ўшларни кўплайтириларни ўзларнинг эркинликка интилган тафаккур тарзини тўғри кабул килайланганда, ишонч билан боқиб, худди футиблчиларимизга дунёйёв галаба олиб келишига умид билдирганимиз сингари дуолар билан ўшларни олқишилайлик!

**Гулшан РАХИМ,**  
филология фанлари номзоди  
Facebook

